

Ахмедов Жалол Турсунмуратович
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси
Жиззах политехника институти,

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИГА ЯНГИЧА
ЁНДАШУВЛАР

Аннотация: Мазкур мақолада Марказий Осиё халқларининг тарихига сўнгги вақтларда юзага келган янгича ўрганишлар ва ёндошувлар хусусида уларининг тарихий муштараклиги ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Тарих, “миллатчи”, “босмачи”, миллат, элат, Авесто, Самарқанд, Бухоро, Шош , Қошғар, Сайрам.

Akhmedov Jalal Tursunmuratovich
Teacher of the "Social Sciences" department
Jizzakh Polytechnic Institute,

NEW APPROACHES TO THE HISTORY OF THE PEOPLE OF
CENTRAL ASIA

Annotation: this article will talk about the historical commonality of the peoples of Central Asia in terms of new studies and approaches to the history of the peoples of Central Asia in recent times.

Keywords: history, "nationalist", "bosmachi", nation, elat, Avesto, Samarkand, Bukhara, Shosh , Qashgar, Sayram.

1991 йилда собиқ Иттифоқнинг таназзулга юз тутиши, ҳамда Марказий Осиё давлатларининг ўз давлат мустақиллигига эришиши натижасида минтақадаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида туб бурилишлар юз берди. Бу ҳолат ҳар бир мустақил республика тараққётининг янги босқичини очиб берди.

Марказий Осиё халқларининг бой тарихий меъросида минтақанинг ўзаро яқин ҳамкорлиги янги билим ва фалсафий қарашлар, тиббиёт ва астрономия, география ва математика, геодезия ва меъморчилик,

дипломатия санъати ва давлат бошқаруви соҳасидаги ютуқлар, юксак маданий ва маънавий-маърифий қадриятлар кенг ёйилишига имкониятлар яратди.

Тарихан олиб қарайдиган бўлсак, Ўрта асрлардан то XX асрнинг биринчи чорагигача асосан мусулмон тарихчилик анъаналари асосида ўрганилиб келинган Марказий Осиё халқлари ўтмиши шу асрнинг иккинчи чораги, яъни 1920- йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб коммунистик ғоялардан келиб чиқиб синфийлик нуқтаи назаридан ўрганила бошлади ва бу ҳолат 1990- йилларгача давом этди. Қарийб етмиш йил мобайнида Иттифокдош республикалар тарихини, шу жумладан, Марказий Осиё халқлари ўтмишини синфийлик асосида тушунтириш Марказ тарихчи олимлари томонидан белгилаб берилди. Иттифокдош республикалар ўз мустақиллигига эришгач, бу анъанага чек қўйилди ва энди ҳар бир мустақил давлат тарихчилари олдига ўз ўтмишини цивилизацион ёндашув асосида ёритиш вазифаси қўйилди. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, бу вазифанинг қандай ва қай йўсинда амалга оширилгани ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш учун минтақа республикаларида тарихга ёндашувда қандай йўл тутилганлиги масаласи билан танишиб чиқиш керак бўлади.

1990- йилларда Марказий Осиё халқлари тарихини ёритишдаги яна бир муаммо шуки, ҳар бир республика тарихчилари ва ижтимоий фан соҳа вакиллари (жамиятшунос, адабиётчи, тилшунос ва ҳ.к.)нинг сезиларли бир қисми ўзи яшаётган мамлакат тарихини ёзар экан қайси бирининг аждодлари янада қадимий ва янада машҳур эканлигига, ўзларидан қанчалик даражада кўп тарихий мерос қолдирганлигига, қай бири минтақага келгинди ёки аксинча эканлигига, қайси бирининг қанчалик кўп ҳудудларни эгаллаганлиги ва ҳоказоларга урғу берила бошлади. Бу каби ёндашувларда бир қатор далиллар келтириб ўтилган бўлиб, айрим қарашларда муайян даражада жон бор. Бироқ тадқиқотчиларнинг кўпчилиги ўз изланишларида бирёқламаликка йўл қўйиб, айрим

далилларни бўрттириб юборишлари, айрим ҳолларда эса очикчасига “ким қадимий, ким келгинди” баҳслашувига киришганлиги кўзга ташланади. Хўш, шу ўринда савол туғилади – бу борада ўз даври ёзма манбаларида қандай маълумотлар учрайди, минтақадан етишиб чиққан алломалар бу ҳақда нима дейишган?

Буюк мутафаккир олим Абу Райҳон Беруний асарларида ўрин олган тарихий маълумотлар ўзининг нисбатан тўлиқлиги ва изчиллиги билан ажралиб туради. Берунийнинг асарлари кўпроқ Ғазнавийлар сиёсий ўртамида ёзилган бўлиб, ўша кезларда Ўрта Осиёнинг туб ерли аҳолиси орасида туркий ва шарқий эроний тилли элатлар кўпчиликини ташкил этишган. Шунингдек, Шимолий Ҳиндистон, яъни Покистон, Кашмир ва Кобулистонда ҳинд, эроний ва туркийлар яшаб, улар орасида туркийлар ҳарбий жиҳатдан устувор элат сифатида билинган. Аслида, айрим истисноларни ҳисобга олмаганда, бутун дунёда бўлгани каби Марказий Осиё минтақасидаги шаҳарлар аҳолисининг этник ва тил жиҳатдан турлича бўлганлиги табиий жараён. Айниқса, минтақадаги кўплаб шаҳарларнинг Буюк Ипак йўли манзилларида жойлашганлиги бу ерларга кўплаб ўлкалардан савдогар, хунарманд ва турли касб эгаларининг кўчиб келиб, ўз маҳаллаларига асос солишига замин яратган. Нафақат минтақанинг Самарқанд, Бухоро, балки Чоч, Сайрам, Тароз, Балосоғун, Кошғар, Турфон, Хўтан каби қадимий шаҳарлари кўп элатли шаҳарлар бўлганлиги турли тиллардаги ёзма манбалардан маълум. Масалан, Турк хоқонлиги давридаёқ Етгисув - Тяньшань тоғларининг шимолий этакларининг ўрта қисмида, маркази Суяб шаҳри ва унинг атрофидаги ярим ўтроқ, ярим кўчманчи ҳудудларда ўнлаб шаҳарларда турфа хил аҳоли яшаган. Иссиқкўлнинг ғарбий ҳавзаларидан бошланиб то Таласгача чўзилган ҳудудда Балосоғун, Тун, Суяб, Навокат, Шуйкат, Шилжи, Қулон, Ашпара каби ўнлаб шаҳарлар ўрин олиб, улар аҳолисининг асосий қисмини тужжор суғдий ва туркийлар ташкил қилар, бир қисми эса

Марказий Осиё, шу жумладан, Шарқий Туркистоннинг турли воҳаларидан келган тужжорлардан, ҳатто форс ва сурёний савдогарлар ташкил этган.

Хуллас, Марказий Осиё халқлари тарихи бўйича 1990- йиллардан бошлаб бугунги кунгача минтақадаги турли республикалар тадқиқотчилари томонидан билдириб келинаётган айрим қарашларнинг бир қисми у ёки бу даражада ўз тасдиғига эга. Улар негизида қадимги давр ва ўрта асрлар марказий осиелик муаллифлардан айримлари келтирган маълумотлар билан қисқача танишиб чиқиш шуни кўрсатдики, минтақада қадимдан туркий ва эроний элатлар ўзаро қўшни ва аралаш яшаб келган бўлиб, улар орасида ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий жиҳатдан яқин алоқалар мавжуд бўлган. Марказий Осиёнинг шимолий ва шимоли-шарқий ҳудудларида туркийлар нисбатан кўпчиликини ташкил этган бўлса, минтақанинг жанубий ва жануби-ғарбий ҳудудларида эроний элатлар, хусусан, шарқий эроний тилли этнослар салмоғи юқори бўлган. Минг йиллар давомида қўшни ва аралаш яшаш ушбу халқлар орасида ижтимоий-маданий жиҳатдан ўзаро уйғунлик шаклланиб, минтақа халқлари шу жиҳати билан атроф мамлакатларга, хусусан, Хитой, Ҳинд ва ғарбий ўлкалар (Рум – Византия, Яқин Шарқ ва Шарқий Европа) халқлари томонидан эътироф этилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, минтақа халқлари тарихини замонавий ёндошувлар асосида ўрганилар экан бу каби тарихий омилларга эътибор қаратиш, уларни ўзаро бир-бирига қарама-қарши қўйиш каби ёндашувлардан ҳоли бўлиши бугунки кун шу йўналишда тадқиқот олиб бораётган олимларининг асосий вазифаларидан бири бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Mirziyoyev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. T. 1. - Toshkent: O'zbekiston. 2017-yil.

2. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи (Ўқув қўлланма). – Т.: Университет, 2007; Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Т.: O‘zbekiston, 2015.
3. Кошғарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғот ит-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. 3 томлик. Т., 1960-1963. Т. III. – Б. 64.
4. Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. Тошкент, 1983 йил
5. Kholbekova, M. A. T. U. (2022). Applications and developments of synergetics. *Scientific progress*, 3(3), 942-945.
6. Tajibaev, M. A., & Rashidova, B. Y. (2022). Content of the concept of synergetics. *Scientific progress*, 3(3), 938-941.
7. Tajibayev, M. A., & Axmedov, J. T. (2022). Sinergetik yondashuv-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantirishning asosiy jihatlaridan biri sifatida. *Scientific progress*, 3(3), 527-532.
8. Tajibaev, M. A., & Rashidova, B. Y. (2022). The concepts of sustainability and instability in synergetics are an important principle. *Scientific progress*, 3(3), 930-933.
9. Abdurashidovich, T. M. (2022). Yoshlarda sinergetik dunyoqarashni shakllantirish omillari. *integration of science, education and practice. scientific-methodical journal*, 3(3), 203-207.
10. Abdurashidovich, T. M. (2022). Sinergetika-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantiruvchi bilim sifatida. *fan, ta'lim, madaniyat va innovatsiya*, 1(2), 69-73.
11. Azimova, S. Y., & Tojiboev, M. A. (2021). Improvement of spiritual and educational work it is our important task. *Scientific progress*, 2(5), 544-548.
12. Melikuziyevich, K. P., & Abdurashidovich, T. M. (2021). State and community management-as a priority task in the appeal. *International journal of discourse on innovation, integration and education*, 2(2), 133-136.